

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Муродова Дилноза Чориевна

Тошкент молия институти докторанти, PhD


Ахмадов Оғабек Амрилло уғли

Тошкент молия институти талабаси

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлиги, асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиб олиш, активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали таъминланади.

Республика тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири – бу хориждан жалб қилинган кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида хориждан жалб қилинган кредитларнинг салмоғи, фоизда¹

¹ Тижорат банкларининг жамланма баланси//www.cbu.uz

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022


ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

1-расм маълумотларидан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хориждан жалб қилинган кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткични 2021 йилда 2019 йилга нисбатан ошиши кузатилган. Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, хориждан жалб қилинган кредитларнинг асосий қисми сузувчи ставкада жалб қилинганлиги сабабли, уларнинг риск даражаси юқоридир; иккинчидан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги хорижий валюталарда берилган кредитларнинг қайтарилишини қийинлаштирмоқда.

Тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

Регулятив капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиш билан бирга, банклар учун “ҳимоя ёстиғи” вазифасини ўтайди. Базель-I стандартига кўра, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топади ва банк оғир молиявий ҳолатга тушиб қолганида, биринчи даражали капиталдан фойдаланган ҳолда ушбу ҳолатдан чиқиб кетиши керак².



2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг пасивлари ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи, фоизда³

² Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org/publications>.

³ Банк тизими кўрсаткичлари//www.cbu.uz

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th December, 2022

ISSN: XXXX-XXXX

Website: econferenceseries.com

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида регулятивнинг капиталнинг салмоғи 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида хориждан жалб қилинган кредитларнинг салмоғини пасайтириш мақсадида, биринчидан, ички манбалар ҳисобидан шакллантириладиган хорижий валютадаги депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкаларини барқарорлигини таъминлаш лозим; иккинчидан, акцияларнинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш ҳисобига эмиссион даромад ҳажмини ошириш ва иккинчи даражали капитал миқдорини кўпайтириш имкониятларини кенгайтириш (субординациялашган қарз мажбуриятларининг эмиссия ҳажмини ошириш, консолидациялашган шўба компанияларга қилинадиган инвестициялар миқдорини кўпайтириш) йўли билан регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини ошириш керак.

Республикамиз тижорат банкларида регулятив капиталнинг мутлақ асосий қисми (90 фоиздан ортиқ қисми) биринчи даражали капитал ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, уларни иккинчи даражали капитал ҳажмини ошириш имкониятларидан тўлақонли фойдаланмаётганлигини кўрсатади.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings

